

## **АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ОНТОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ**

**Юлдашева Л.С.**

ТДСИ доценти

E-mail: [yuldashevalola@jmail.com](mailto:yuldashevalola@jmail.com)

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада буюк аллома, қомусий олим, шарқ мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари ёритилган. Бутун оламни Ягона Тангри томонидан яратилганлигини эътироф этсада, табиий қонунлар асосида ривожлана боришини таъкидлайди. Беруний эътиборини борлиқ, материя, фазо ва вақт, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат, ривожланиш, ва зиддият каби муаммолар ўзига жалб этди. Айнан шу муаммолар аллома томонидан ҳал қилинган.*

***Калит сўзлар:** борлиқ, ҳаракат, фазо, эволюция, ривожланиш, сабаб, оқибат, зарурият, моддий борлиқ, нафс.*

### **ABSTRACT**

*This article describes the views of the great scholar, encyclopedist, oriental thinker on existence of Abu Rayhan Beruni. While acknowledging that the whole universe was created by the One God, he emphasizes that it develops based on natural laws. Beruni's attention was drawn to such problems as existence, matter, space and time, regularity, necessity and contingency, motion, development, and conflict. It is these problems that have been solved by scholars.*

***Key words:** existence, movement, space, evolution, development, cause, effect, necessity, material existence, desire.*

### **КИРИШ**

Абу Райҳон Берунийнинг билиш тўғрисидаги ғоялари унинг табиий-илмий қарашлари билан узвий боғлангандир. Олимнинг табиий-илмий қарашлари ва борлиқ ҳақидаги фикр мулоҳазалари унинг барча ижтимоий-фалсафий қарашларига самарали таъсир қилди. Беруний эътиборини борлиқ, материя, фазо ва вақт, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат, ривожланиш, ва зиддият каби муаммолар ўзига жалб этди. Айнан шу муаммолар аллома томонидан ҳал қилинади.

Қомусий олим кўпгина буюк файласуфлар каби материя, табиатнинг Тангри томонидан яратилганлигини эътироф этади. У ўз таълимотида деизмга яқинлашади: объектив реаллик яратилганидан кейин ўзигагина хос бўлган табиий қонуниятлар амрида ривожлана боради. Беруний само сфераси эволюциясини ўрганар экан, Тангрига биринчи туртки вазифасини бажаришни

юклайди. Унинг фикрича, Тангри бу само жисмларни яратган пайтда улар тарқоқ холда мавжуд бўлиши мумкин. Бу жисмлар доимий ҳаракатда бўлиб, ҳаракат оқибатида муайян нуқтада тўпланиши табиийдир.

Беруний Ибн Сино билан бўлган савол-жавобларда ва уларга эътирозларида Аристотель томонидан оламнинг ибтидоси йўқ, уни яратувчи фаол қувват ҳаракатига келтиради, деган сўзларига ыарши чиқиб, изчил эмас дейди. Дарҳақиқат, моддий борлиқнинг на ибтидоси ва на интихоси мавжуд экан, яратувчига ҳеч қандай зарурият ва эҳтиёж қолмайди. Агар, аксинча, Яратувчига эҳтиёж бор, деб фараз қилсак, моддий борлиқ бениҳоя бўла олмайди.

Лекин олам ҳинд таълимотларига мурожаат қилиб, уларни Қуръондаги баъзи асослар билан қиёслайди. “Унинг тахти сувда жойлашган эди” иборасини Оллох билан ёнма-ён сув ва тахтдан бошқа ҳеч нарса бўлмаган, деган фикрга келади олим. Демак, сув моддий асос сифатида яратувчи томонидан барча нарса-буюмларни яратишнинг воситаси ва қуроли вазифасини бажаради. Бунга қўшимча қилиб Берунийнинг оддий жавҳарлар пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни билмайди,- деган фикрига эътибор берсак, Яратувчи абадий экан, деган хулосага келамиз.

Шуниси эътиборлики, буюк олим ҳодисаларни тадқиқ этар экан, у деярли ғайри табиий кучларга мурожаат қилмайди. Барча табиий ҳодисалар табиатда реал мавжуд бўлган сабаб туфайли сордир бўлади. Лекин “Асослар асоси” “Сабабалр сабаби” бўлган Яратувчи, биринчи сабаб табиий жараёнлар моҳияти, сабабларига мос келмайди. У асл сабаб сифатида бошқа нарсалар сабабларига эҳтиёж сезмайди.

## **НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА**

Абу Райҳон Беруний борлиқнинг фазо ва вақтда ривожланиши, ҳаракат қилиш масаласида Фаробий ва Ибн Синонинг қарашларидан фарқ қиладиган нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди. У фазо ва вақт муаммосини табиий-илмий нуқтаи назардан келиб чиқиб хал қилади. Натижада бу муаммо ўзининг умумий фалсафий жихатини йўқотади. Барча нарса-буюмлар, жараёнларнинг чегараланган фазо ва вақтида содир бўлади. Уларга нисбатан мавҳум тарзда фараздагина абадий, чексиз фазо ва вақтни нисбат бериш мумкин халос. Абадийлик аслида Биринчи сабаб, Яратгангагина тааллуқлидир, чунки у яратувчининг умридир. Шундай қилиб, Берунийнинг фазо ва вақт тўғрисидаги қарашлари Фаробийнинг фикр-мулохазаларига нисбатан салбий қарашдир.

Лекин олимнинг тараққиёт тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ўзининг самарали эканлиги билан ажралиб туради. Улар ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ривожланиши мисолида яққол кўрсатиб берилган. Алломанинг фикрича, экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлса ҳам, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди. Агарда ўсимликлардан ёки жонворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу ахвол бирданига пайдо бўлиб, йўқолишда эса бирданига йўқолиб кетмайди. Балки унинг ўзи йўқолса ҳам, у ўз ўхшашини қолдириб кетади. Хатто у битта эмас, балки бир нечтасини қолдиради. Агар ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабдан дехқонлар экинларни ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлайди, богбонлар ҳам дарахтларнинг яроқсизларини кесиб ташлайди. Асаларилар ҳам ўз жинсдан бўла туриб, ишламай кувадаги асални бекорга еб ётаётганларини ўлдириб ташлайди. Табиат ҳам худди шундай иш қилади. Лекин табиат яхши ёмондан айирмасдан, ҳаммасига бир хилда таъсир қилиши орқасида дарахт барглари тўкиб, мевасини бузиб, мева қилишдан қолдириб қуритади. Дунё ҳам шунга ўхшашдир.

Шундай қилиб, Беруний табиий ва сунъий танлов, ҳаёт учун курашни тушунган, эволюцион назариянинг баъзи қирра ва жихатларини кўра билган. У ўзининг табиий-илмий ютуқлари асосида тараққиёт жараёнини ўқтириб бера олди.

Жараёнлар, ходисаларга алоқадор бўлган қатъий қонуният, заруриятни эътироф этиш алломанинг муҳим хизматидир. Унинг таъкидлашича, зарурият ҳукмга бўйсунмайдиган ҳар қандай ҳодиса кишилар фикр-мулоҳазаларда ихтилофларнинг келиб чиқишга кенг имконият яратиб беради.

Мутафаккир бир қарашда беҳад содда бўлиб кўринган ходисаларнинг моҳияти, заруриятли томонлари мавжуд эканлигини ўқтирди. Масалан, хатто дарахт барглари микдори ҳам заруриятдан ҳоли эмас. Улар барглари микдори камдан-кам етита ёки тўққизта бўлади, чунки уларни геометрик методлар орқали томонлари тенг учбурчаклар сифатида доирага жойлаб бўлмайди.

Қатъий зарурият ва қонуният қонун-қоидаларига бўйсунадиган ходисаларга циклик тарзда содир бўладиган жараёнлар киради. Буларга мисол қилиб ҳайвонларнинг урчиши, ўсимликларнинг чангланиши, экинларнинг экилиши, меваларнинг пайдо бўлиши ва ҳоказоларни олса бўлади. Табиий

ходисалар тартибга мос келадиган нарсаларнинг исботи ишончли ва жиддий бўлади.

Лекин зарурият ва қонуният тасодифият билан узвий алоқада бўлади, чунки ҳамма ходисалар ҳам муайян пайтда, тартибда фазода рўй беравермайди. Бу эса, тасодифиятга йўл очиб беради. Шунинг учун тасодифият, қадимги юнон материалисти Демократик таъкидлаганидек, кишилар ўзларининг ўқувсизлиги ва нодонлиги ниқоблаш мақсадида ишлатиладиган “тасодиф санами” эмас, аксинча, воқеий ходисаларнинг табиий жихатидир.

Маълумки, Қуръон, илоҳиёт зарурият ва қонуниятга ҳеч қандай ўрин қолдирмайди. Оламда мўъжиза, беқарорлик ҳукмронлик қилади.

Сир-асрорнинг калити Оллохнинг ихтиёридадир. Ер қаърида ва унинг устида, қуруқлик ва денгизларда содир бўлаётган ҳамма нарсалардан У хабардор. Унинг измидан ташқарида биронта дарахтларнинг барги ерга тушмайди. Унинг ҳар қандай нарсага “Бўл!” дейиши етарли-у албатта содир бўлади. У истагидек бўлса, тириклар мурдаларга айланади, мурдалар эса, тирилади ва хоказо. Абу Райҳон Берунийнинг бундай қарашлари Ғарб мутафаккирларидан Арасту ҳамда Эпикурларнинг сабаб ва оқибат, зарурият ва қонуният каби тушунчалари ва фикр-мулоҳазаларига жуда яқиндир.

## **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, аллома, қомусий олим- Абу Райҳон Берунийнинг борлик ҳақидаги ижтимоий қарашлари табиат сир-асрорларини ошқор қилишдаги хизмати беҳад даражада қимматлидир. Алломанинг маънавий бой мероси, қолдирган асл дурдоналарини ҳар биримиз томонимиздан ўзлаштириб олиниши ўзлигимизни англашнинг муҳим омили ролини уйнайди..

## **REFERENCES**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Т.:Ўзбекистон, 2019. 8.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси URL: <https://uza.uz/oz/pol>
2. Абу Райҳон Беруний Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар Танланган асарлар Т.1 -Т.: -Фан 1963
3. Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон .Танланган асарлар Т. П -Т:-Фан 1965
4. Пўлатова Д., Қодиров М., Аҳмедова М., ва бошқ. Фалсафа тарихи: Шарқ фалсафаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШИ. 2013.
5. Юлдашева Л.С. THE IMPORTANCE OF COMPARATIVE CONTRASTIVE METHOD USED IN THE WORK “INDIA” BY ABU RAYHAN BERUNI //